

9-10-2020

ABOUT NOTION OF EXOTIC VOCABULARY AND HIS DESCRIPTION IN TRANSLATION

И Дех;конов

ФарДУ немис ва франуз тиллари кафедраси уқ,итувчиси

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Дех;конов, И (2020) "ABOUT NOTION OF EXOTIC VOCABULARY AND HIS DESCRIPTION IN TRANSLATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 48.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/48>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ABOUT NOTION OF EXOTIC VOCABULARY AND HIS DESCRIPTION IN TRANSLATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

13. Тил ва имло масалалари. (Мақола ва материаллар тўплами). Тўпловчи: Йўлдош А. -Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1929. – 392 б.
14. Поливанов Е.Д. Тилдаги юксалиш тушунчаси. -Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1923. - 62 б.
15. Неъмат Ҳаким. Ўзбек тили сарфи тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. 1925. 10,12,14 май.
16. Бектўра Ш. Татарча сарф-наҳв. Тутотқуй, 1923. – 110 б.
17. Янги имло ва унинг қарашлари // Қизил байроқ. 1922. -6 янв.
18. Ўзбек уруғлари (қабилалари) ва уларнинг шеваларига тегишли маълумотлар тўплағучиларга қисқача қўлланма // Маориф ва ўқитғучи. 1925. -№ 12.- Б. 33-35.
19. Татар грамматикасы: өч томда / проект жит. М.З. Зәкиев. – Тулыландырылган 2 нче басма. – Казан: ТӘҺСИ, 2016. – Т. II. – 432 б.
20. Тил имло конференцияси материаллари. 1929 йил майнинг 15-23- кунларида Самарқандда бутун Ўзбекистон миқёсида тўпланган ўзбек тил имлочилари ва адиблари кўнференциясининг тўла ҳисоби. –Т.: Ўздавнашр, 1932. – 133 б.

ТАРЖИМАШУНОСЛИҚДА ЭКЗОТИЗМ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАВСИФИ ҲАҚИДА

И.Дехқонов, ФарДУ немис ва франуз
тиллари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада экзотизмлар бошқа миллатлар турмуши ва ҳаётининг ўзига хослигини акс эттирадиган предмет ва воқеаларни номлашга хизмат қиладиган лексик бирликлар сифатида ёритиб берилади.

Таянч сўз ва иборалар: ўзлаштирмалар, экзотизмлар, экзотик лексика, экзотик лексема, лакунлар, функционал-стилистик ўзига хослик.

О ПОНЯНИЕ ЭКЗОТИЗМА И ЕГО ОПИСАНИЕ В ПЕРЕВОДЕЧЕСТВО

Аннотация: В статье раскрывается экзотизмы как лексические единицы, которые служат для определения предметов и явлений, характерных для быта и особенностей жизни другой национальности.

Ключевые слова и фразы: заимствование, экзотизмы, экзотическая лексика, экзотические лексемы, лакуны, функционально-стилистические особенности.

ABOUT NOTION OF EXOTIC VOCABULARY AND HIS DESCRIPTION IN TRANSLATION

Annotation: In the article expose the exoticism as an unit lexical which serve a definition of the object and a phenomena characteristic for mode of life and the specifics of life other nationality.

Key words and phrases: loanword, exoticism, exotic vocabulary, exotic lexeme, lacunes, functional - stylistic singularity.

Таржимашуносликда экзотизм тушунчаси ва унинг тавсифи.

Мазкур мақола предмети ўзбек (рус) тилларига таржима қилинган асарлардаги экзотизмлар ҳисобланади. Муаммонинг муҳимлиги экзотизмлар ҳар бир тилда салмоқли сўз гуруҳини эгаллайди ҳамда тадқиқот адабиётларида етарли ўрганилмаганлиги билан таърифланади.

Экзотизмлар [12.422] – бу бошқа миллатлар турмуши ва ҳаётининг ўзига хослигини акс эттирадиган предмет ва воқеаларни номлашга хизмат қиладиган лексик бирликлардир. Ўз халқи шароити эмас балки бошқа бир халқ ҳаёти ҳақида гапирилганда ишлатиладиган ўзлаштирма лексикалардан фарқли ўлароқ, сўзлар ҳар бир халқнинг маърифатли ва аллома инсонлари орқали бизга маълумдир.

Замонавий лингвистика ўзлаштирмаларнинг умумий муаммоларига, алоҳида туркум чет тили сўзлари ёки ўзлаштирма сўзларни ўрганишга бағишланган кўп сонли тадқиқотларга эга. Бироқ халқ қилинмаган тилшунослик муаммоларидан бири экзотик лексикаларни ўрганиш деб ҳисоблаш мумкин. Яъни бошқа турли тиллардан кириб келган, бошқа давлат ва халқи ҳаёти билан боғлиқ ўзига хосликларини акс эттирадиган предмет, воқеа ва бошқа миллат шароити тушунчалари деб номланадиган, турли тарихий даврларда бошқа давлат ва халқларнинг турмуши ва маданиятини тасвирлашда қўлланиладиган, экзотик лексикалар. Шубҳасиз, гап нафақат унчалик машҳур бўлмаган (экзотик) тилларнинг сўзлари, балки бошқа тиллар билан узоқ асрлик тарихий алоқаларга эга бўлган ғарбий европа тиллари ҳақида ҳам боряпти.

Экзотизм адабий атама (термини) си биринчи бўлиб собиқ совет лингвистикасида 1937 йили Булаховский, М.Ю. Лермонтов и А.А. Бестужева-Марлинский асарларида кавказ тилларидан кириб келган сўзларни таърифлаш учун ишлатган [1.49]. Бу терминга нисбатан турли қарашларни учратиш мумкин. Баъзи рус олимлари (А.Е.Супрун, Л.П.Ефремов, Л.П.Крысин) бу терминни анча ихчам ва кўрсатилган лексик турни ўзига хослигини аниқ етказа оладиган термин деб қабул қиладилар. Бошқа олимлар эса билиб уни ишлатмасдан ўрнига бошқа турдаги конструкциялар қўллашда *чегараланган лексика* (А.Н.Гвоздев), *сингдирилмаган (жорий қилинмаган) ўзлаштирмалар* (Р.А.Будагов), ёки ўрганган (одат бўлиб қолган) *варваризм* деб (А.А.Реформатский), *этнографизм ва регионализм* (А.Я.Каташева), *реалии* (С.Влахов и С.Флорин) терминларини ва хатто бутунлай қўлланмаган *макаронизм* (С.И.Ожегов) терминини ҳам ишлатадилар. Бир қатор ишларда *экзотизм* ёки *экзотик лексика* терминлари “... деб аталадиган” (Е.М.Галкина-Федорук) изоҳ билан ишлатилади. XX асрнинг 80 – йилларигача турли тадқиқотларда С.Влахов ва С.Флоринлар “ноаниқ таъриф” атамаси билан изоҳлаганлар.

Экзотизм термини (экзотик лексика) лингвистикада, ўтган асрнинг 50 – йилларида ёзилган А.Е. Супруннинг “Экзотическая лексика” [2.51-54] мақоласида узил-кесил тасдиқланади, у ҳар қандай тилда бошқа халқ ҳаётини тасвирлаб беришга хизмат қилувчи экзотизмни пайдо бўлиши қонуний ва муқаррардир деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб ўзлаштирма тил лугати бошқа халқ ҳаёти ва маданиятининг ўзига хослигини қабул қилиш учун зарур бўлган сўз билин бойитилади(тўлдирилади).

Экзотизм термини қисқа ва худди бир сўздек, а) мазкур жой учун бегона, ноодатий; б) ўз ғалатилигини таърифий изоҳлангани учун бошқа тавсифий конструкцияларга қараганда анча қулайроқ деб тан олинди. Ҳар икки шарҳ ҳам ҳар қандай экзотизмга қўлланиши учун ҳақлидир.

А.Е.Супрун экзотизмларнинг тарихий ва географик тасвиридаги ўрнига, шунингдек, оригинал асарларда ва таржима адабиётларида бегона тил эгаларига тегишли воқеликни етказишда уларнинг муҳим ролига тўхталиб ўтади.

А.Е.Супрунни такидлашча, баъзи бир экзотик сўзлар таржима қилинган тилда ишлатилиш жараёнида, тўлиқ лексик-семантик ассимиляция натижасида миллий безакни йўқотиши мумкин. Баъзи бир сўзлар, аксинча, айрим контекстларда экзотик маъно орттиришлари мумкин. Ундан ташқари, А.Е.Супруннинг экзотизмлар нафақат ўзлаштирмалар, балки чет тили элементининг калькалангани (бошқа тилдаги сўзни айнан таржима қилиб ёки унга тақлидан сўз ясамоқ) дир деган таърифи муҳим ҳисобланади.

Агар олимларнинг экзотизмларнинг ўзига хос маънолари ва стилистик безакларига нисбатан, шунингдек уларнинг ўзлаштирилаётган тилдаги ролининг мос тушиши бир хилдек бўлсада, баъзан қабул қилиниётган тилда экзотик лексика мақомига нисбатан уларнинг қарашлари унчалик бир хил эмас. Машхур бўлмаган тилларнинг сўзидек экзотизмни ўзига хос тил-манба нуқтаи назаридан аниқлашга уриниш таажжубланишни келтириб чиқаради. Кўпчилик рус ва ўзбекларга таниш бўлган француз сўзлари (*франк, мадам, канане, кузина* ва бошқалар.), хатто узоқ мослашув ва сингдирилган давр ўтган бўлса ҳам мутлақо ўз миллий колоритини йўқотмаган, улар бошқа халқ воқелиги билан ўзаро боғланишни тўхтамаган ва уни тасвирлашда қўлланилмоқда. Экзотизм терминидан воз кечишга уринишнинг ғайритабиилигини И.Е.Гальченкога тегишли мисолда кўриш мумкин, унинг ҳисоблашча, бир халққа нотаниш бўлган сўз, бошқа бир халқ учун яхши таниш бўлиши мумкин, шунинг учун улар буни экзотик деб қабул қилмайдилар [6.4]. У бутунлай ҳаққоний бўлмаган ижтимоий критерияга асосланиб, экзотизм терминини регионализм сўзи билан алмаштиришни таклиф этади. И.Г. Добродомов анча ҳаққоний таклиф киритиб, у регионализмни экзотик лексик турларидан бири сифатида қарайди: “Баъзан улар (чет тилидаги сўзлар) бошқа давлатнинг ўзига хослигини ёки бошқа халқнинг тушунчаларини (этнографизмлар, регионализмлар, экзотизмлар) белгилайдилар” [5.85]. Бу терминларни қарши қўйиш ёки алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки регионализм кўп ҳолларда собиқ СССР халқлари тилларининг лексикаси билан алоқадор бўлиб, рус тилига кўп сонли ўзлаштирмалар ёки бошқа халқлар тилларига рус ўзлаштирмалари алоҳида авторлар томонидан киритилган.

Л.П.Крысиннинг қарашлари ўзлаштирилаётган тилда экзотизм мақомига бағишланган илмий асарлардан энг кўп фарқланади. Рус тили пассив луғатига тегишли бу лексика бағишланган тадқиқотлардан фарқли, унинг такидлашча, “рус тилига киритилган ҳар қандай чет тилидаги сўзни улар бирор предметни англатиб хали ўзлаштирилмаган давргача экзотизм сифатида қабул қилиш лозим” [3.77]. Ўзлаштирилишга лозим бўлмаган предмет ёки воқеани англатувчи сўзларни у варваризм туркумига тегишли деб ҳисоблайди. Экзотизмлар “фойдаланилаётган

тил системасига қарашли эмас , у бу тил бирлигининг лексик ва грамматик курилишига оз ёки кўп миқдорда хизмат кўрсатмайди”, у уларни рус тилига тегишли эмас деб бутунлай нотўғри ҳисоблайди [3.49]. Ҳақиқатан ҳам кўпгина экзотик сўзлар фақатгина бир маротаба ишлатилиши мумкин ва фақат алоҳида нутқий ҳаракатда маълумдир. Экзотизмларнинг худди шундай роли ҳақида Л.А.Булаховский гапириб, бу рол мазкур асарнинг ўз матнида тамомланади деб ҳисоблайди [1.45]. Л.П. Ефремовнинг такидлашича, окказионал ишлатилаётган сўзлар ўзлаштирилаётган тилнинг лексик бирлигига киритилмай алоҳида қизиқиш уйғотади. Бошқалари эса (масалан, пул атамалари, давлат органлари) бу тилнинг ажралмас қисмдек шаклланиб, огзаки ва ёзма нутқда доимо фойдаланилади [4.166]. Охирги мисоллар маҳаллий колоритни яратиш вазифасини айтганлиги туфайли “Экзотизм” ва “варваризм” тушунчаларини аниқроқ белгилаб олиш зарур. Г.Л. Зеленин варваризм рус сўзининг стилистик синоними деган таклифи билан уларнинг функционал-семантик принципни асосли деб қарайди [7.45].

Таржима назарияси ва ўлкашуносликка киришда кўрсатилган “реали” ва “эквивалентсиз лексика” тушунчалари, ҳамда етарли даражада яқин алоқада бўлган “экзотик лексика” тушунчаси билан экзотизмларни тенглаштириш тўғри эмас. Реали таржима тилида – бу чет элликка тегишли воқеа ва предметлар белгисини билдирувчи сўзлар бўлибгина қолмай, балки ўзига хос сўзлар ва ифода (ундов сўзлар, мурожаатлар, ўзига хос чет тилида саломлашиш ва ҳоказолар) лардир [9.5]. Ўзбек тилшунослигида экзотизмлар диний матнларни араб тилидан ўзбек тилига таржима қилишда янги лугавий (экзотик) бирликлар кириб келган. “Матнларни ўзбек тилига таржима қилиниши натижасида ўзбек тилига бир қатор янги луғавий бирликлар кириб келди, ўзлашди. Бироқ таржима назарияси талабларига кўра, диний матнлар таржимаси жараёнида бир қатор арабча луғавий бирликлар (матнда араб халқларига хос миллий, маҳаллий руҳни, исломий дин колоритини сақлаб қолиш мақсадида) ўзбек тилида муқобили бўлмаганлиги учун асл ҳолича қўлланилган. Бундай луғавий бирликлар экзотик лексика ҳисобланади” [8.7]. Эквивалентсиз лексика одатда бошқа бир бўғинли, доимий ва мос контекстдан мустақил бўлмаган бир тилдаги сўз номидек қаралади. XX аср охирида фойдаланилган илмий адабиётларда Г.Л. Зеленин чет эл воқелиги билан боғлиқ лексика номланишига оид кўп аспекти ёндашувларни ойдинлаштириб терменлар рўйхатини келтиради [7.55-56]. Юқорида айтилганлардан ташқари атамалар рўйхатида қуйидагилар мавжуд: *алиенизмлар* [Берков 1973], *маиший сўзлар* [Левый 1971], *ўзлаштирилган реалилар* [Влахов, Флорин 1986], *чет тили тизимли сўзлар* [Будагов 1965], *коннотатив сўзлар* [Влахов, Флорин 1986], *ксенолексика* [СИС 1937], *маданий-коннотатив лексика* [Влахов, Флорин 1986], *лексик (масодифий) лакуны* [Муравьев 1975], *локализмлар* [1.43], *маҳаллий ва миллий сўзлар* [Берков 1973] ва ҳоказолар. С. Влахов ва С. Флоринлар фикрига қўшилмаслик мумкин эмас чунки, бундай хилма-хиллик тескари рол ўйнайди. *Экзотик лексика* келтирилган атамаларнинг аслида ҳаммасини ўрнини олиши мумкин, шунингдек, мазкур тадқиқотимиз учун ҳам қулайдир. Г.Л. Зеленин томонидан таклиф қилинган *экзотизм-историзм (тарихий)*, *экзотизм-вкрапление (бегона нарса)*, *экзотизм-регионализм* каби терминлардан рус экзотик лексиканининг алоҳида турларини

тавсифлаш учун фойдаланиш мумкин [7.57]. Тўпланган яққол мисолларни энг муҳим тахлили сифатида улар томонидан таклиф қилинган батафсил экзотик лексика деб таърифланган таклиф қабул қилинади: *экзотизмлар* – бу “бошқа давлат ва халқлар ҳаёти билан боғлиқ предметлар, воқеликлар, тушунчаларнинг чет тилидаги сўз ва ифодаларидир.” Махаллий, миллий, тарихий безакларга эга бўлган холда улар бадиий, публицистик, таржима ва бошқа асарларида колорит яратиш воситаси сифатида хизмат қилади [10.15]. Илмий характердаги ишларда экзотизмлар терминлар ролини бажариши мумкин. Экзотизмлар ўзлаштирилаётган тилда окказионал сифатида фойдаланилиши, унинг сиртки лексикасини тўлдириб, лугатига қайд қилиниши мумкин (қоюда бўйича лугатда чет тили сўзи сифатида). Айрим экзотизмлар вақт ўтиб интернационализм, ижтимоий термин сифатида ўзлаштирилиши мумкин [11.17].

“Тил-рецептор стилистик вазифасини бажарадиган ва бадиий адабиётлардаги персонажларни таърифлаш учун фойдаланадиган экзотик лексика варваризмлар билан аралаштирилмасилиги керак.” [7. 57].

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Булаховский Л.А. Введение в языкознание. - М.: Наука.1937.
2. Супрун А.Е. Экзотическая лексика/А.Е.Супрун//Филол.науки.- М.,1958.- № 2.- С. 51-54.
3. Крысин Л. П. Иноязычные слова в современном русском языке. - М.: Наука 1968.- 208 с.
4. Ефремов Л.П. Стилистика художественной речи. - М.: Наука.1973.
5. Добродомов И.Г. Вопросы лексики и грамматики русского языка. - М.:Наука.1979.
6. Гальченко И.Е. Основные проблемы стилистики.- М.: Наука.1980.
7. Зеленин Г.Л. Экзотизмы немецкого происхождения. - М.: Филологические науки.1991.
- 8.Улуқов Н.М.Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси.Авторреф.фил.фан.ном.- Т.1997.
9. Асадов М.Т. XX аср 60-йиллари француз адабиётидан қилинган таржималарда миллий ўзига хосликни акс эттириш. Магистр-Диссертацияси. - Т. 2012.
- 10.Гафурова Ф. Реалиялар,миллий сўзларни таржими қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.Реферат.- Т.:ЎзДЖТУ.2011.
11. Pierre Berthiaume. Indigènes et exotisme. Société canadienne d'étude du dix-huitième siècle. – Paris. Volume 24, 2005.
12. Энциклопедик лугат, Тошкент 1990, 422 бет. (**Экзотика** – (юн.), ўзга юртлар, олис мамлакатларга хос бўлган галати, одатдан ташқари хусусиятлар (уларнинг табиати, одатлари, санъати ва шу к.)

46	Қалбимизга яқин одамлар Тўйчиев А.Х.	268
47	Ўзбек тилшунослиги атамалари тарихидан Бобомуродова Ш.Э.	272
48	Таржимашуносликда экзотизм тушунчаси ва унинг тавсифи ҳақида Дехқонов И.	277
	13.00.00	
	ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PEDAGOGICAL SCIENCES	
49	Олимпия таълими дастурларининг мазмуни Мамажонов Д.А, Тураев В.Б.	282
50	On the questions of improving the professional skills of the teacher Rakhmatova O.	290
51	Formation of professional competence of biology students in english classroom Yuldasheva M. B.	294
52	Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари Абдурасулов А.А.	298
53	Бўлажак муҳандисларнинг илмий-тадқиқот компетентлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш Ахмедов А.Б.	303
54	Ал Хоразмийнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги қарашлари ва унинг ++builder алгоритмик тилидаги дастури Арипов М.М.,Орипова У.	308
55	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш йўллари Бердалиева Г.А.	315
56	Ажиниёз шоир ижодида фалсафа ва дунёқараш Таспанова Ж.К.	320
57	Некоторые аспекты в подготовке детей дошкольного возраста к программированию Икромова М.Н.	326
58	Бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалар имкониятларидан фойдаланиш методикаси Тўраев М.Ф.	332
59	Maple tizimi yordamida tekislikda vektorlarni qo'shishning animatsiya usulidan foydalanib talabalarning matematik kompetentligini rivojlantirish orqali o'qitishning sifat va samaradorligini oshirish Mirzakarimov E. M, Fayzullayev J. I.	337
60	Ўзбекистон-япония таълим тизими ривожланиш истиқболлари Хошимов Ф.Ф. Эгамбердиева Р. Файзуллаева М.Ф.	343